

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

## Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



## Таъминлаш чоралари ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг жорий этилиши билан солиқ органлари текширув чоғида ҳуқуқбузарликлар аниқланганда таъминлаш чораларини қўллаши мумкин (СК 161-моддаси). Бундай ҳуқуқ уларда илк марта пайдо бўлди. Тартиб-таомилнинг ўзи эса қабул қилинган қарорнинг ижро этилишини кафолатлашга қаратилган.

Илгари қарор қабул қилиниб, қонуний кучга киргунга қадар инсофсиз солиқ тўловчи ўз корхонасини "банкрот қилиб", яширинишга улгурганлиги ҳеч кимга сир эмас. Натжидада – қарор қабул қилинган, аммо уни ижро этишининг амалда имконияти бўлмаган.

Таъминлаш чораларининг 2 тури белгиланган:

- солиқ органининг розилигисиз мол-мулкни бошқа шахснинг ихтиёрига ўтказишга ёки гаровга қўйишга доир тақиқ;

- банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш (СК 161-м. 6-қ.).

Бу солиққа оид ҳуқуқбузарлик аниқланганда албатта таъминлаш чоралари қўрилади дегани эмас. Солиқ органи ходимлари жуда яхши биладиларки: агар солиқ тўловчи қўрилган таъминлаш чоралари устидан шикоят қилса, улар юқори турувчи солиқ органига ёки судга бундай чоралар қўлланилмаганда бюджетга боқимонда, пеня ёки жаримани ундириб бўлмаслигини исботлаб беришига тўри келади. Бу солиқ органини анча эҳтиёткор бўлишга ундайдими, йўқми буни амалиёт кўрсатади.

**Солиқ органининг таъминлаш чораларини қўришга нима туртки бериши мумкин:**

- илгари вужудга келган солиқ мажбуриятлари бўйича қардорликнинг сўндирилмаганлиги;
- солиқ тўлашдан бўйин товлаш схемаларида иштирок этиш;

- қисқа муддатли мажбуриятларнинг (банк қарзлари бўйича қардорлик (12 ойгача бўлган муддатга) корхона фаолиятига кредиторлик қарзи, дивидендлар тўлаш бўйича таъсисчилар олдидagi қарзлар ва ҳоказо) корхона фаолиятига хос бўлмаган тарзда кескин кўпайиши;
- активларнинг қўллаб олиб чиқиб кетилиши;

- солиқ тўловчининг рўйхатдан ўтказилган манзилда ҳақиқатда мавжуд эмаслиги;
- ўзаро боғлиқлик мавжуд ташкилотлардан фойдаланган ҳолда бизнесни бўлиш;
- солиқ тўловчининг бошқа ҳудудга миграция қилиши;

- шубҳали контрагентлар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар бўйича солиқ чегирмаларини қўллаш;

- анча миқдорда қўшимча солиқлар, пенялар ва жарималар ҳисобланиши;
- асосий воситалар қийматининг камайитирилиши;
- кредиторлик қарзининг ошиши;

### Солиққа оид қонун ҳужжатларига таъминлаш чораларини киритиш

Бўлган эди	Энди
Таъминлаш чоралари назарда тутилмаган эди, бироқ ўз моҳиятига кўра бу тушунча янги эмас. Иқтисодий процессуал кодекс ва Фуқаролик процессуал кодекси даъво талабларини таъминлаш бўйича шу каби чораларни назарда тутган эди.	СКга «таъминлаш чоралари» тушунчаси киритилди. Энди солиқ органи солиқ текшируви натижалари бўйича қарорнинг ижро этилишини кафолатлайдиган чоралар қўришга ҳаққи. Агар солиқ органида уларсиз солиқ қарзини ундириш қийинлашади ёхуд ундириш имконсиз бўлиб қоплади, деб тахмин қилиш учун етарлича асослар бўлса, таъминлаш чоралари қўрилади. Таъминлаш чораларига қуйидагилар кирлади:
Булар:	➢ солиқ органи розилигисиз мол-мулкни бошқа шахснинг ихтиёрига ўтказишга (гаровга қўйишга) доир тақиқ;
➢ мол-мулкни хатлаб қўйиш;	➢ банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш.
➢ пул маблағларини хатлаб қўйиш;	Агар бошқа кодексларда ўзга шахснинг ихтиёрига ўтказишга (гаровга қўйишга) доир тақиқ чоғида навбат қайд этилмаган бўлса, СКда у назарда тутилади:
➢ муайян ҳаракатларни ёки мажбуриятларни бажариши тақиқлаш;	1) кўчмас мол-мулкка, шу жумладан маҳсулотларни ишлаб чиқаришда иштирок этмайдиган мол-мулкка;
➢ муайян ҳаракатларни бажариш мажбуриятини юклаш.	2) транспорт воситаларига, қимматли қоғозларга, хизмат хоналарининг дизайн буюмларига;
Чоралар рўйхати тўлиқ эмас, шунингдек суд томонидан даъвони таъминлаш бўйича бир вақтнинг ўзида бошқа чоралар қўрилиши мумкин (ИК 94-м.; ФПК 106-м.).	3) тайёр маҳсулот, хом ашё ва материаллардан ташқари бошқа мол-мулкка;
	4) тайёр маҳсулотга, хом ашё ва материалларга.
	Олдинги гуруҳдаги мол-мулкнинг қиймати солиқ қарзининг суммасини қопламаган тақдирда, ҳар бир навбатдаги гуруҳдаги мол-мулкни бошқа шахс ихтиёрига ўтказишга (гаровга қўйишга) доир тақиқ қўлланилади.
	Ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш бўйича таъминлаш чоралари тартибида фақат мол-мулкни бошқа шахс ихтиёрига ўтказишга (гаровга қўйишга) доир тақиқ қўйилганидан кейин қўлланилиши мумкин.
	Солиқ тўловчининг илтимосига кўра таъминлаш чоралари қуйидагиларга алмаштирилиши мумкин:
	➢ банкнинг қарорда кўрсатилган суммаси тўлашга розилигини тасдиқловчи банк кафолатига;
	➢ қимматли қоғозларни ёки бошқа мол-мулкни гаровга қўйишга;
	➢ учинчи шахснинг кафилига.
	СКдаги таъминлаш чоралари рўйхати тўлиқ ва унга қўшимча киритилиши мумкин эмас (СК 161-м.).

## Пенсия тўловларидаги ҳуқуқбузарликлар мониторингга аниқланади

Вазирлар Маҳкамасининг 12.03.2020 йилдаги 145-сон қарори билан Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низомга (ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарорига 1-шлюва) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Янги механизм – Пенсия жамғармасида бўлимида ҳисобда турадиган пенсионерлар мониторинги жорий этилади. Ҳар ойнинг бошида бўлим бошлиғи (унинг вазифасини бажарувчи) мониторинг ўтказиш графигини тасдиқлайди. Мониторинг ҳар ҳафта камида 2 кун мобайнида (иш кун тартибининг ҳисобга олган ҳолда) ўтказилади ва бир кунда 10 - 30 нафар пенсионерларни қамраб олади.

- Мониторинг доирасида кўча ва участкалар бўйича бириктирилган масъул ходим ҳар бир пенсионер билан суҳбат ўтказиши;

натижаси бўйича анкетани тўлдирди. Унда, хусусан, пенсионернинг пенсия етказиб берилиши ташкил этилиши ва банк филиалига нисбатан эътирозлари акс эттирилади.

- Мониторинг давомида қуйидаги далиллар аниқланади:

- пенсионернинг тирик эканлиги;
- яшаш жойи ўзгарганлиги ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарига доимий яшаш учун кўчиб кетганлиги;
- жазони ижро этиш муассасасида эканлиги;

- кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг интернет уйларида (пансионатларида) яшаётганлиги;
- ишончнома орқали пенсия тўлови тўғри тўланаётганлиги;
- пенсия қайдномада кўрсатилган пенсионерга шахсан тўланаётганлиги.

Мониторинг ўтказиш давомида аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари бўйича шахс ёки тегшли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакили иштирокида далолатнома расмийлаштирилади. Пенсия жамғармаси бўлими аниқланган фактлар

юзасидан пенсияни етказиб бериш (топириш) юқланган ташкилот ва тижорат банклари филиалларига камчиликларни бартараф этиш ва ўзлаштирилган маблағларнинг ёки ноқонуний тўланган маблағларни тиклашга оид зарур чорат-дирларни қўриш учун хат юборади.

Шу билан бирга, ҳужжатда қуйидагилар белгиланди:

**Биринчидан**, пенсионернинг танловига кўра пенсия суммаси, бир вақтнинг ўзида пенсия тўловининг бир неча шаклидан (нақд/пластик карта) фойдаланган ҳолда тўланиши мумкин. Яъни пенсиянинг бир қисми нақд пул билан тўланади, қолган қисми эса пенсионернинг пластик картасига ўтказилади. Бунда ушбу қисмлар нисбати ҳужжатда қайд этилмаган ва пенсия



**Ушбу сонда:**

- 3-6-БЕТЛАР** Янги ҳужжатлар билан таништирамиз
- 7-БЕТ** Хориждан келиб бизда доволанишади
- 8-БЕТ** Таътил қанча давом этиши мумкин?

## Пенсия тўловларидаги ҳуқуқбузарликлар мониторингда аниқланади

**1-бетда**  
олувчининг аризасига кўра белгиланади. Тўлов шакли шахс тегишли ариза билан мувожаат этган ёки меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги тўғрисидаги буйруқдан кўчирмани (бажарилган ишлар далолатномасини) тақдим этган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан

бошлаб ўзгартирилади ёки тикланади; **иккинчидан**, тўлиқ бўлмаган ой кунлари учун пенсия тўлови суммасини аниқлаш тартиби;

➤ тайинланган пенсия суммаси тегишли ойнинг календарь кунлари сонига бўлиш йўли билан бир кун учун тўлов суммаси аниқланади;

➤ бир кун учун тўлов суммаси пенсия тўлови амалга оширилиши лозим бўлган тегишли ойнинг календарь кунлари сонига кўпайтирилади;

**учинчидан**, тартиб-таомиллар (қайдномаларни шакллантириш, жорий тўлов давридаги бюуртмалар, пенсия ва нафақалар тўлови учун йўналтирилган мақсадли

субвенциялар ва харажатлар тўғрисида солиштирма далолатномалар), шунингдек маҳкумларга пенсия тўлаш тартиби.

**Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 13.03.2020 йилдан кучга кирди.**

Олег Заманов.

## Солиқлар суммаси камайдими? Камерал текширувни кутинг!

ҚХТБТ порталида ДСҚнинг Камерал солиқ текширувини ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарори лойиҳаси жойлаштирилган.

Камерал солиқ текширув хатоларни аниқлаш ва улар солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда тузатилиши учун солиқ тўловчининг солиқ ҳисоботларини ва бошқа маълумотларни ўрганиш йўли билан солиқ органи томонидан ўтказилади.

У солиқ органи буйруғи асосида ўтказилади, ҚҚС суммасини қоплаш чоғидаги текширувлар бундан мустасно (бу ҳолда буйруқ чиқарилмайдими, текширув солиқ тўловчи томонидан ҚҚС суммасини қайтариш юзасидан ариза тақдим этилган кундан эътиборан 60 кун мобайнида амалга оширилади, тахририят изоҳи). Агар мазкур солиқ даври учун солиқ мониторинги ўтказилса, камерал текширув ушбу давр учун ўтказилмайдими.

Камерал текширув бюджетга тўлиниши лозим бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммалари илгари тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботларига нисбатан камайтирилган ёки тегишли ҳисобот даврида зарар кўрилган бўлса ўтказилади. Агар шахсий кабинет мавжуд бўлмаса, сўровнома почта орқали бюуртма хат билан юборилади ва у жўна-

тиланидан сўнг 5 кундан кейин олинган деб ҳисобланади. Солиқ органининг сўровномасига жавобан талаб этилган ҳужжатлар ва тушунтиришлар сўровнома олинган кундан эътиборан 5 иш куни ичида тақдим этилиши керак.

Солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари буйича операцияларини 10 кундан кўп бўлмаган муддатта тўхатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилиниши мумкин. Асос - солиқ тўловчи томонидан солиқ органининг камерал текширув натижалари буйича талабномасига жавобан тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар, шунингдек солиқ органи талаб қилган ҳужжатларнинг белгиланган муддатда тақдим этилмаганлиги. Солиқ органининг тегишли қарори банкка электрон шаклда юборилади. Бир вақтинчи ўзида солиқ тўловчининг шахсий кабинетига бу ҳақда сабаблари кўрсатилган ҳолда хабарнома келиб тушади (СҚ 111-моддаси).

Солиқ органининг текширувни ўтказувчи мансабдор шахслари ҳолатни аниқлаш мақсадида текширилаётган шахснинг ҳудудларини ва биноларини, шунингдек ҳужжатлари ва буюмларини кўздан кечиришга ҳақли.

Зарур бўлган ҳолларда, текширув доирасида аҳамиятга эга бирор-бир ҳолатлар ўзига маълум бўлган ҳар қандай воғна етган шахс кўрсатмалар бериш учун гувоҳ сифатида чақирилиши мумкин. Бундан ташқари, камерал текширувни ўтказиш буйича аниқ ҳаракатларни

амалга ошириш учун шартнома асосида эксперт ва таржимонлар жалб этилиши мумкин (СҚ 145-моддаси).

Текширув натижалари буйича солиқ ҳисоботида аниқланган тафовут ва хатолар солиқ тўловчининг шахсий кабинетида жўнатиладиган талабномада акс эттирилади у 3 кун ўтгач қабул қилинган ҳисобланади. Солиқ тўловчи талабномага жавобни уни олган кундан эътиборан 10 иш куни ичида жўнатиши даркор. Солиқ ҳисоботида ўзгартиришлар киритилган ва номувофиқликлар бартараф этилганда кейин, камерал солиқ текшируви яқунланган деб ҳисобланади.

Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилганлигидан далолат берувчи фактлар аниқланганда, солиқ органининг мансабдор шахси томонидан ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланган кундан эътиборан 10 иш куни давомида

ушбу мансабдор шахс ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахс томонидан имзоланиши лозим бўлган далолатнома тузилади. Далолатномада солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларининг ҳужжатлар билан тасдиқланган фактлари, шунингдек ушбу фактларни аниқлаган мансабдор шахснинг аниқланган қоидабузарлиқни бартараф этишга доир хулоса ва таклифлари кўрсатилади. Солиқ тўловчи камерал текширув натижалари буйича хулосалар ҳамда таклифларга рози бўлмаган тақдирда, далолатнома олинган кундан эътиборан 10 иш куни ичида далолатноманинг барча ёки айрим бандлари юзасидан ёзма эътирозларини тегишли солиқ органига тақдим этишга ҳақлидир.

**Ҳужжат 2020 йил 31 мартга қадар муҳокама қилиш, фикр-мулоҳазалар ва таклифларни киритиш учун жойлаштирилган. У ўзгартирилиши, унга қўшимча киритилиши ёки рад этилиши мумкин.**

## ҚҚС қопланишининг асослантилганлигини камерал текширув тасдиқлайди

Қўшилган қиймат солиғи суммасини қоплаш ва қоплашнинг асослантилганлиги юзасидан камерал солиқ текширувини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳаси ҚХТБТ порталида жойлаштирилган.

Низом ортқича тўланган ёки ортқича ундирилган ҚҚС суммасини қайтаришга, шунингдек чет элликларга ушбу солиқни қоплашга (TAX FREE) нисбатан таътиқ этилмайди.

Лойиҳада ҳужжатларнинг, шу жумладан экспорт қилувчи солиқ тўловчилар учун батафсил рўйхати келтирилган. ҚҚСни қоплаш асослантилганлигини камерал текширишдан ўтказиш алгоритми умумий тартибга ўхшаш. Бироқ, мазкур ҳолатда камерал текширув солиқ органининг буйруғисиз ўтказилади. Лойиҳада биноан у солиқ тўловчидан ариза олинган кундан кейинги кунда бошланади ва 50 кундан кўп бўлмаган муддатда давом этади (бирок СҚнинг 138-моддаси 16-қисмига асосан – 60 кун, тахририят изоҳи).

Солиқ органининг қоплаш буйича қарори 2 кун ичида қабул қилинади ва электрон шаклда Молия вазирлигининг Ҳазначиликка юборилади, у уни 1 кун муддатда ижро этади. Қайтариш чоғида солиқлар суммаси солиқ тўловчининг банк ҳисобварағига ўтказилади. Агар қоп-

лаш тўғрисида қарор қабул қилишда солиқлар буйича қарзлар мавжудлиги аниқланса, солиқ органи мустақил равишда 2 кун ичида қоплаш суммаси ҳисобига қарзни қоплайди.

• Ҳужжатга иловада ноль даражали ставка қўлланилиши натижасида қоплаш суммасининг шартли ҳисоб-китоби кўриб чиқилади. Алоҳида ҳолларда солиқ суммаларини 7 кун ичида қоплашнинг тезлаштирилган тартиби амал қилади. У қуйидаги солиқ тўловчиларга нисбатан қўлланилиши мумкин:

• йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар;

• солиқни қоплашга доир ариза билан бирга амалдаги банк қаролатини тақдим этган ёки солиқ органи билан гаров шартномасини расмийлаштирган солиқ тўловчилар;

• экспорт ва унга тенглаштирилган операцияларни амалга оширувчи шахслар - ноль даражали ставкани

қўлланиши натижасида ҳосил бўлган солиқ суммаси буйича;

• чет эл дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналар;

• солиқ мониторинги иштирокчилари.

Чет эл дипломатик ваколатхоналарига ҚҚС суммаси СҚнинг 264-моддасида қайд этилган шартларда қопланади. Чет эл дипломатик ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналар томонидан расмий фойдаланиш, шунингдек уларнинг маъмурий-техник ходимларининг, жумладан улар билан бирга яшовчи оила аъзоларининг шахсий эҳтиёжи учун товарлар сотиб олинганда солиқ органига идентификация қилиш имконини берадиган харидларни ва ҚҚС тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиш лозим. Масалан, ҳисобварақ-фактуралар, инвойслар, НКМ чеклари, қвитанциялар шундай ҳужжатлар бўлиши мумкин.

Ҳужжатни 2020 йил 1 июндан амалга киритиш назарда тутилмоқда. 1 апрелга қадар лойиҳани муҳокама қилишга иштирок этиш, ўз фикр-мулоҳазаси ва таклифларини киритиш мумкин.

**Лойиҳа ўзгартирилиши, унга қўшимча киритилиши ёки рад этилиши мумкин.**

Лола Абдуазимова.

УШБУ СОНДА

- **ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**  
– Янги ҳужжатларни тақдим этишимиз  
**1-2-бетлар**
- **НОРМАТИВ ЛОЙИҲАЛАР**  
– Солиқлар суммаси камайдими? Камерал текширувни кутинг!  
– ҚҚС қопланишининг асослантилганлигини камерал текширув тасдиқлайди  
**2-бет**

- **РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР**  
**Ўзбекистон Республикасининг Қонуни**  
– «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (Кўчирма).  
**Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони**

- «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш буйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»  
**3-6-бетлар**
- **ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ**  
– Биометрик паспорт ўрнига ID-карталар берилади

- Хорижликларни касалхонада ҳисобга олиш  
– Қарор устидан судда низоланса бўлади  
**7-бет**
- **КАДРЛАР БЎЛИМИ**  
– Ишга қабул қилиш рад этилди!  
– Сирдан ўқийдиганлар учун таътил  
**8-бет**

# РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАР



## • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

- «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (Кўчирма).

## • ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

- «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодийёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш буйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING  
ҚОНУНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА\*

(Кўчирма)\*\*

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 26 февралда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2020 йил 28 февралда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015-ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) қуйидаги мазмундаги **192<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

«**192<sup>1</sup>-модда.** Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказиш тартибига доир талабларга риоя этмаслик

Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказувчи шахс томонидан мазкур тадбирларни ўтказиш тартибига доир талабларга риоя этмаслик, —

фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Тўйхоналар, кафе ва ресторанларнинг мансабдор шахси томонидан тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни ўтказиш тартибига доир талабларга риоя этмаслик, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **245-модданинг биринчи қисми:**

«175<sup>1</sup>» рақамидан кейин «175<sup>2</sup>» рақами билан тўлдирилсин;

«191» рақамидан кейин «192<sup>1</sup>» рақами билан тўлдирилсин;

3) **245<sup>5</sup>-модданинг биринчи қисмидаги** «215<sup>2</sup>-моддасида» деган сўзлар «175<sup>2</sup> ва 215<sup>2</sup>-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **264<sup>1</sup>-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**264<sup>1</sup>-модда.** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати органлари

Ушбу Кодекснинг 175<sup>2</sup>-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузади.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ушбу Кодекснинг 282-моддасида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун юборилади»;

5) **332-модданинг биринчи қисмидаги** «топширилган кундан бошлаб ўн беш» деган сўзлар «топширилган кундан бошлаб ўттиз» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) қуйидаги мазмундаги **332<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

«**332<sup>1</sup>-модда.** Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этишнинг соддалаштирилган тартиби

Ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг етмиши фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинади, бундан ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этишнинг соддалаштирилган тартиби қуйидаги ҳолларда қўлланилмайди:

маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун суд томонидан жарима солинганда;

жарима солиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилинганда ёки протест билдирилганда;

худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилганда»;

\*Ушбу ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) расман эълон қилинган ва 18.03.2020 йилдан кучга кирди.

\*\*Ушбу Қонун «Норма маслаҳатчи»да кўчирмада берилмоқда. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Норма» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида та-нишиш мумкин.

7) 335-модда куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Мажбурий ижрога қаратилган жарима солиш тўғрисидаги қарор ижро этилганидан сўнг давлат ижросини ижро ишини юритишни тамомлаш тўғрисида қарор чиқаради ва унинг бир нухасини уни чиқарган органга (мансабдор шахсга) ёки судга юборади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26-декабрда қабул қилинган «**Сиёсий партиялар тўғрисида**»ги 337-1-сонли Қонуни **4-моддасининг тўртинчи қисмига** куйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

куйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг мансабдор шахслари»;

учинчи–олтинчи хатбошилари тегишинча тўртинчи–еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «**Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида**»ги 813-1-сонли Қонунига куйидаги ўзгартишлар ва қўшимча киритилсин:

1) **6-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситаларининг муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятнинг асосий турлари: гиёҳвандлик воситаларини олиб кириш (олиб чиқиш), тақсимлаш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, йўқ қилиш, шунингдек таркибда гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштириш давлат монополияси ҳисобланади, ушбу Қонуннинг 21-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан муносно»;

2) **11-модданинг биринчи қисмидаги «27-29-моддаларида»** деган сўзлар «21, 21', 27-29-моддаларида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **21-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Таркибда гиёҳвандлик моддаси бўлган, I рўйхатга киритилган ўсимликларни етиштириш учун рухсат давлат корхоналарига илмий мақсадларда махсус ваколатли орган томонидан белгиланган тартибда ҳамда ушбу Қонуннинг 21-моддасида назарда тутилган ҳолларда юридик шахсларга саноат мақсадларида мазкур фаолият турига доир лицензия мавжуд бўлган тақдирда берилади»;

4) куйидаги мазмундаги **21'-модда** билан тўлдирилсин:

«**21'-модда.** Таркибда гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларнинг саноат мақсадларида етиштирилиши ва муомалада бўлиши билан боғлиқ фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари

Таркибда тетрагидроканнабинол гиёҳвандлик моддасининг миқдори 0,2 фоизгача бўлган каннабис ўсимлигини гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ҳамда тайёрлаш билан боғлиқ бўлмаган саноат мақсадларида етиштиришга, олиб киришга (олиб чиқишга), қайта ишлашга, сақлашга, реализация қилишга (беришга), олишга ва ташинишга юридик шахсларга мазкур фаолият тури учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда берилган лицензияга асосан рухсат этилади.

Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ва тайёрлаш билан боғлиқ бўлмаган, саноат мақсадларида етиштирилишига ва муомалада бўлишига рухсат этилган каннабис ўсимлигининг навлари, уларнинг

етиштирилиш ва муомалада бўлиш шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «**Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида**»ги 222-II-сонли Қарорининг **1-иловасига** куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **тўққизинчи хатбоши** куйидаги мазмундаги **тўққизинчи ва ўнчинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«Гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва прекурсорларни олиб кириш (олиб чиқиш), сақлаш, реализация қилиш (бериш), тақсимлаш, ташиниш, ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқариш, тайёрлаш, йўқ қилиб ташлаш, гиёҳвандлик воситаларидан, психотроп моддалардан ва прекурсорлардан илмий ва ўқув мақсадларида, ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун, шу жумладан тиббиётда ва ветеринарияда фойдаланиш, шунингдек таркибда гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни илмий мақсадларда етиштириш.

Гиёҳвандлик воситаларини ва психотроп моддаларни ишлаб чиқариш ҳамда тайёрлаш билан боғлиқ бўлмаган саноат мақсадларида етиштириш, олиб кириш (олиб чиқиш), қайта ишлаш, сақлаш, реализация қилиш (бериш), олиш ва ташиниш»;

2) **ўнчинчи–олтмишинчи хатбошилари** тегишинча **ўн биринчи – олтмиш биринчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 15 сентябрда қабул қилинган «**Микромолиялаш тўғрисида**»ги ЎРҚ-50-сонли Қонунига куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модданинг биринчи қисмидаги «базавий ҳисоблаш миқдорининг минг баравари миқдоридан»** деган сўзлар «300 миллион сўмдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **5-модданинг матнидаги «базавий ҳисоблаш миқдорининг юз баравари миқдоридан»** деган сўзлар «50 миллион сўмдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **6-модданинг иккинчи қисмидаги «базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг баравари миқдоридан»** деган сўзлар «600 миллион сўмдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-360-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига** куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг:**

**бешинчи хатбошисидаги** «уларнинг ижросини назорат қилиш» деган сўзлар «уларнинг шакллантирилишини, тузилишини ҳамда ижросини назорат қилиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**ўн саккизинчи хатбошиси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«**давлат молиявий назорати** – бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан назоратни амалга ошириш мақсадида давлат молиявий назорати объектларининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳужжатларини ва бошқа ҳужжатларни ўрганиш, таҳлил қилиш ҳамда таққослаш»;

куйидаги мазмундаги **ўн тўққизинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**давлат молиявий назорати объектлари** – Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети, Қорақалпоғистон

Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетлари, бюджет маблағларини тақсимловчилар, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар, давлат мақсадли жамғармалари, белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармалар ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари»;

**ўн тўққизинчи–қирқ олтинчи хатбошилари** тегишинча йиғирманчи–қирқ еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

**ўттиз иккинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**ўттиз учинчи–қирқ еттинчи хатбошилари** тегишинча **ўттиз иккинчи–қирқ олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**2) 26-модданинг биринчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси:

Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ва ўрта муддатли давр учун фискал стратегия буйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хулоса тақдим этади;

вазирликларнинг, давлат қўмиталарининг, идораларнинг ҳамда банкларнинг бюджет тизими бюджетлари даромадлари ва харажатлари моддаларининг мақсадли ижросини бошланғич маълумотлар буйича назорат қилиш имконини берувчи ахборот тизимлари ва ресурсларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Молия вазирлигининг банк ҳисобварақларидаги маблағларнинг қонуний шакллантирилганлиги, мақсадли ҳамда самарали сарфланиши устидан назоратни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, шунингдек белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармалар маблағларининг шакллантирилиши ҳамда улардан фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади;

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари даромад қисмининг ижроси устидан назоратни амалга оширади;

бюджет тизими бюджетлари маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади;

Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги йиллик ҳисобот буйича ташқи аудитни ва баҳолашни амалга оширади ҳамда улар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига хулоса тақдим этади;

ўз ваколатига қирадиган масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади»;

**3) 117-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси** куйидаги мазмундаги **бешинчи ва олтинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«ҳисоб ва ҳисоботни;

ижро устидан назоратни назарда тутади»;

**4) 120-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошиси** куйидаги мазмундаги **тўртинчи ва бешинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«ҳисоб ва ҳисоботни;

ижро устидан назоратни назарда тутади»;

**5) 170-модданинг биринчи қисмидаги** «молиявий назорат объеклари» деган сўзлар «давлат молиявий назорат объеклари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**6) 173-модда:**

**иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «ва молия органлари» деган сўзлар «молия органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмининг олтинчи, еттинчи ва саккизинчи хатбошиларидаги** «молиявий назорат» деган сўзлар «давлат молиявий назорати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**7) 174-модда:**

**иккинчи хатбошиси** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси шакллантирилиши ва унинг мамлакатни иқтисодий ривожлантириш устуворликларига мувофиқлигини тизимли таҳлил қилиши»;

**олтинчи хатбошисидаги** «захиралари» деган сўз «имкониётларни» деган сўз билан алмаштирилсин;

**саккизинчи хатбошисидаги** «солиқ ва бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга» деган сўзлар «солиқ, божхона ва бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги **ўнинчи, ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бюджет ссудалари ва кредит линияларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни;

Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари томонидан чет эл валютасидаги маблағлардан тўғри ва мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни;

давлат харидлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларининг тўғри қўлланилиши устидан назоратни»;

**ўнинчи хатбошиси ўн учинчи хатбоши** деб ҳисоблансин;

**8) 179-модданинг иккинчи ва учинчи қисмларидаги, 182-модданинг биринчи қисмидаги** тегишли сон ва келишиқдаги «молиявий назорат объекти» деган сўзлар тегишли сон ва келишиқдаги «давлат молиявий назорати объекти» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**9) 183-модданинг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари** куйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан алмаштирилсин:

«ўрганиш ва назорат тартибда текшириш натижалари буйича тузиладиган ҳужжат – маълумотнома ёки хулоса тарзида расмийлаштирилади».

**10) 184-модданинг биринчи қисми еттинчи, саккизинчи ва ўнинчи хатбошиларидаги, учинчи, тўртинчи, олтинчи, еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи қисмларидаги, 185-моддасидаги, 186-модда биринчи қисмининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошиларидаги** тегишли сон ва келишиқдаги «молиявий назорат объекти» деган сўзлар тегишли сон ва келишиқдаги «давлат молиявий назорати объекти» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**7-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 31 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида» ги УРҚ-431-сонли Конституциявий Қонунига куйидаги қўшимча ва ўзгартиш киритилсин:

**1) 25-модданинг биринчи қисми** куйидаги мазмундаги **ўн биринчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг раиси»;

**2) 27-модданинг матнидаги** «ва адлия вазири» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг раиси ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазири» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**8-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**9-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ушбу Қонун 1-моддасининг 1-банди ва 2-бандининг учинчи хатбошиси мазкур Қонун қучга кирган кундан эътиборан уч ой ўтгач амалга киритилади.

Ушбу Қонун 1-моддасининг 5-банди мазкур Қонун қучга кирганидан кейин чиқарилган жарима солиш тўғрисидаги қарорларга нисбатан қўлланилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2020 йил 17 март  
ЎРҚ-612-сон.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ**

**КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ВА ГЛОБАЛ ИНҚИРОЗ ҲОЛАТЛАРИНИНГ  
ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИГА СЛБЙ ТАЪСИРИНИ ЮМШАТИШ БЎЙИЧА  
БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА\***

Жаҳон миқёсида कोरोनाвируси инфекцияси тарқалишига қарши курашишда, шу жумладан, инсонларнинг ҳаракатланишига чекловлар киритиш ва қорхоналар фаолиятини тўхтатиш орқали мисли кўрилмаган чоралар кўрилувчи.

Бу эса энг йирик иқтисодийётга эга мамлакатларда ишлаб чиқариш ва истеъмол ҳажмларининг кескин қисқариши, глобал ишлаб чиқариш занжирилари ва савдо алоқаларининг издан чиқиши, дунё молия бозорларида хом ашё товарлари нархининг пасайиши ва конъюнктуранинг ёмонлашувини келтириб чиқарди.

Глобал иқтисодийёт тизимининг бир қисми бўлган Ўзбекистон иқтисодийётига ҳам мазкур омиллар таъсир қилмоқда, бу эса ўз навбатида ушбу ҳолатнинг салбий таъсирларини юмшатиш бўйича самарали олдини олувчи чоралар кўришни талаб қилади. Бунда туризм, транспорт, фармацевтика ва тўқимачилик sanoati каби республика иқтисодийётининг жадал ривожланаётган тармоқларини қўллаб-қувватлаш ва уларнинг барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Коронавируси инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодийёт тармоқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, аҳолини самарали ижтимоий қўллаб-қувватлаш, мамлакат аҳолиси даромадлари кескин пасайиб кетишининг олдини олиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, **10 трлн сўм** миқдордаги **Инқирозга қарши курашиш жамғармаси** (кейинги ўринларда – **Инқирозга қарши курашиш жамғармаси**) ташкил этилсин.

Қуйидагилар **Инқирозга қарши курашиш жамғармаси** маблағларидан фойдаланишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

**а) коронавируси инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш бўйича қуйидаги тадбирларни молиялаштириш**, шу жумладан:

даволаш ва бошқа муассасаларни коронавируси инфек-

цияси тарқалишига қарши курашиш учун зарур бўладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар, химоя воситалари ва тест тизимлари билан таъминлаш;

хавф-хатар остида бўлган ёки вируси юқтирилган билан мулоқотда бўлган шахсларни карантинда сақлаш билан боғлиқ харажатларни қоплаш;

коронавируси инфекцияси тарқалишига қарши курашишда иштирок этаётган тиббийёт ходимларини моддий рағбатлантириш, республика санитария-эпидемиология хизмати томонидан химоя чораларини амалга ошириш харажатлари учун кўшимча маблағлар ажратиш;

юқумли касалликларни аниқлаш, профилактика қилиш ва даволаш бўйича тадбирларга жалб этилган даволаш ва бошқа муассасаларни куриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш;

**б) қуйидагилар орқали тадбиркорликни ва аҳоли бандлигини қўллаб-қувватлаш:**

Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан биринчи навбатда ижтимоий аҳамиятга эга истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, сотиб олиш ва сотиш учун берилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплашга кафилик ҳамда компенсация тақдим этишни кенгайтириш;

республика ҳудудларида иқтисодий фаолликни ва бандликни кенгайтиришга қаратилган кўшимча инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш, шунингдек, энг аввало, кичик sanoat зоналарида муҳандислик коммуникацияларини куриш;

**в) аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш**, шу жумладан, қуйидагилар учун кўшимча маблағлар ажратиш:

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши орқали кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича чораларни қучайтириш ва нафақа олувчилар сонини ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармасига жамоат ишларини кенгайтириш;

\*Ушбу Фармон «Халқ сўзи» газетасининг 20.03.2020 йилдаги 59 (7561)–сонида чоп этилган.

«Ишга марҳамат» мономарказларини ва касбга тайёрлаш марказларини ташкил қилиш, шунингдек, меҳнат мигрантларини касбга ва тилга ўргатишни ташкиллаштириш орқали уларни қўллаб-қувватлаш;

г) қўйдагилар орқали иқтисодий тarmoқларнинг барқарор фаолият юритишни таъминлаш:

Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати остида жалб этилган кредитларни сўндириш, шунингдек, биринчи даражали харажатларни амалга ошириш учун фоизсиз бюджет ссудалари ажратиш йўли билан стратегик корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш;

ташқи савдо фаолиятини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектлари транспорт харажатларининг бир қисmini компенсация қилиш;

коронавирус инфекцияси тарқалишининг салбий таъсирига энг кўп учрайдиган иқтисодий тarmoқлари ва соҳаларини, шунингдек, кредит портфели сифати ёмонлашган ҳолларда тижорат банкларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чораларини тақдим этиш;

уч йилгача бўлган мuddатга фоизсиз бюджет ссудаларини ажратиш орқали солиқ тўлаш мuddатлари бўйича кечиктириш тақдим этилиши ҳамда тадбиркорлик фаоллигининг сустлашиши муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларида олинмай қолинадиган даромадлар ўрнини тўлдирish.

2. Инқирозга қарши курашиш жамғармаси манбалари этиб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари (шу жумладан, харажатларни мақбуллаштириш ҳисобига), халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари ва қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва Инқирозга қарши курашиш жамғармасини молиялаштиришни таъминлаш мақсадида 2020 йилда бюджетни қўллаб-қувватлаш учун халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитлари ва бошқа манбалар ҳисобидан

1 млрд АҚШ доллари миқдоригача ташқи қарз маблағларини, шунингдек, иқтисодийнинг реал сектори корхоналари, экспорт қилувчилар ва тижорат банкларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни молиялаштириш учун қўшимча маблағларни жалб қилиш чораларини кўрсин;

икки ҳафта мuddатда солиқ ва боxxона маъмурчилигини такомиллаштириш орқали ишга солинмаган захираларни излаб олиш, ҳисобланган солиқлар тўлиқ тўланишини таъминлаш, «яширин» иқтисодийни қисқартириш ҳамда солиқ ва боxxона маъмурчилигининг янги самарали шакл-

ларини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни тасдиқласин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар ойда комплекс чора-тадбирлар ижроси ҳамда Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағларидан фойдаланилиши тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2020 йил 1 июнга қадар юзга келаётган макроиқтисодий вазиятни, шунингдек, қўйдагиларни ҳисобга олган ҳолда 2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини аниқлаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин:

Иқтисодий ва саноат вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда тадбиркорлиқни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш, жумладан, кичик саноат зоналарига муҳандислик коммуникацияларини ўтказиш учун имкониятларни тақдим этувчи янада устувор бўлган инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга маблағларни қайта йўналтирган ҳолда Инвестиция дастурини қайта кўриб чиқиш;

Инқирозга қарши курашиш жамғармасини ташкил этиш ҳамда тадбиркорлиқни ва аҳолининг ижтимоий заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш учун харажатларни ошириш;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда 2020 йилда жалб қилинадиган давлат ташқи қарзларининг чегаравий ҳажмларини қайта кўриб чиқиш;

қўшимча харажатларни мақбуллаштириш ва чеклаш юзасидан аниқ тақлифларни киритган ҳолда катъий бюджет интизоми.

4. Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Инқирозга қарши курашиш республика комиссиясининг асосий вазифалари этиб коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида иқтисодий тarmoқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича юзга келадиган муаммоларни масалаларни тезкорлик билан ҳал қилиш ва қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш белгилансин.

Вазирлар Маҳкамаси икки кун мuddатда тегишчанча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимлари бошчилик қиладиган Инқирозга қарши курашиш республика комиссиясининг худудий штабларини уларнинг аниқ функция ва вазифаларини белгилagan ҳолда ташкил этсин.

Барча даражадаги раҳбарларнинг идоравий мансуб ташилотларда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг

Реклама

 ORMA

## «КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробот тумани, Та.Глимаржон кўч., 1/1  
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@orma.uz. web: www.orma.uz

юзага келган муаммо ва қийинчиликларни ҳал этиш мақсадида қилган муурожаатларига алоҳида эътибор қаратиш, расмийлик, сансалорлик ва бюрократияга йўл қўйилмаслиги юзасидан шахсий жавобгарлиги кўрсатиб ўтилсин.

5. Белгилансинки:

а) 2020 йил 1 апрелдан 1 октябргача бўлган даврда: яқка тартибдаги тadbиркорлар учун ижтимоий солиқнинг ойлик энг кам суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизига қадар камайтирилади;

алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналарнинг ажратмалари миқдори 5 фоиздан 3 фоизга пасайтирилади;

умумий овқатланиш корхоналари учун алкоголь маҳсулотларини чакана сотиш ҳуқуқи учун йигимлар миқдори белгиланган миқдорлардан 25 фоизга камайтирилади;

б) 2020 йил 1 апрелдан 1 июлгача бўлган даврда туристик (меҳмонхона) йиғимини ҳисоблаш ва тўлаш тўхтатилади;

в) кишлоқ ҳўжалигидаги ерларни сўғориш учун фойдаланиладиган ҳажмлар бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари 2020 йилда ўрнатилган ставкалардан 50 фоизга пасайтирилади;

г) 2019 йил учун жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш муддати 2020 йил 1 августга қадар узайтирилади;

д) жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлаш муддати 2020 йил 15 октябрга қадар узайтирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 1 апрелдан жисмоний шахслар томонидан хайрия ташкилотларидан моддий наф тарзида олиннадиган даромадларни солиққа тортишдан озод қилиш тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ҳафта муддатда мазкур бандда белгиланган имтиёзни 2020 йил 1 апрелдан амалга киритишни назарда тутувчи «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли солиқларни тўлаш муддатларини ўзгартириш, шунингдек, уларнинг ставкаларини камайтириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколати берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига фаолияти туризм соҳасига бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган яқка тартибдаги тadbиркорлар учун жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммаларини 30 фоизга камайтириш тавсия қилинсин.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳўжалик юритувчи субъектларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлаш бўйича фоизларни ундирмасдан 6 ойга кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) тақдим этсин. Бунда, кўрсатиб ўтилган солиқларни тўлашни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) солиқ тўловчиларнинг аризаси, шунингдек, Иқтисодийёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги ҳудудий бошқармалари раҳбарларининг хулосалари асосида, бошқа ҳужжатларни талаб қилмаган ҳолда тақдим этилади.

8. Белгилаб қўйилсинки, 2020 йил 1 октябргача бўлган даврда:

ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор

қарздорлик учун ҳўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилади;

солиқ органлари вақтинча қийинчиликларни бошдан кечираётган ҳўжалик юритувчи субъектларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича пенялар ҳисобланишини тўхтатиб туради, шунингдек, солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларини кўрмайди.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси:

замонавий ахборот технологияларини қўллаш ҳамда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган компанияларни жалб қилиш йўли билан солиқ ҳисоботларини тайёрлаш ва тақдим этишда «Солиқ хизмати» ДУК орқали солиқ тўловчиларга ёрдам кўрсатиш;

солиқ тўловчиларнинг давлат солиқ хизмати органларига ташриф буюрмасдан солиқ мажбуриятларини бажариши учун уларга масофадан хизмат кўрсатишни кенгайтириш чораларини кўрсин.

10. 2021 йил 1 январга қадар тadbиркорлик субъектларининг фаолиятини солиқ аудитидан ўтказиш тўхтатилсин, жиноят ишлари доирасида ва юридик шахсни тугатиш муносабати билан солиқ аудитидан ўтказиш бундан мустасно.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Тadbиркорлик субъектларининг ҳўқуқлари ва қўнуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вақил билан биргалиқда давлат органлари томонидан тadbиркорлик субъектларининг ҳўқуқлари ва қўнуний манфаатларига қатъий риоя этилиши устидан назорат ўрнатсин.

11. Тadbиркорлик субъектларига:

ҳисобот йилида амалга оширилган товарларнинг умумий экспортга нисбатан 10 фоиздан ошмаган муддати ўтган дебитор қарздорлиги мавжуд бўлган тақдирда, кафолатланган тўловни таъминламасдан товарлар экспортини амалга оширишга;

2020 йил давомида ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлигини сўндириш эвазига технологик асбоб-ускуналар ва хом ашё товарларини импорт қилиш бўйича бир марталик операцияларини амалга оширишга рухсат берилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Транспорт вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси билан биргалиқда:

юкларни чегара божхона постлари орқали тезкорлик билан ўтказиш, уларнинг узлуқсиз божхона расмийлаштирувини, шунингдек, экспорт ва импорт қилинаётган товарларга рухсат берувчи ҳужжатларнинг берилишини таъминлаш бўйича тезкор штаб ташкил этсин;

2020 йил 1 апрелдан бошлаб, импорт қилинадиган озқовқат маҳсулотларининг тезкор тартибда, шу жумладан, рухсат берувчи ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келгунга қадар бериш орқали божхона расмийлаштируви механизмининг жорий этсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги икки ҳафта муддатда глобал ишлаб чиқариш занжирлари, транспорт-логистика тизимлари ва савдо алоқаларидаги узиллишлар таъсир қилаётган инвестиция лойиҳалари ташаббускорларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тadbирлар юзасидан тақлифлар киритсин.



14. Худуд ва тармоқларда экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича республика комиссиясига 2020 йил 1 октябрга қадар **экспорт қилувчиларнинг транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш учун** Экспортни рағбатлантириш агентлига ажратиладиган маблағлар ҳисобидан **субсидиялар тақдим этиш ҳақида мустақил қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.**

Худуд ва тармоқларда экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича республика комиссияси икки ҳафта мuddатда экспорт қилувчиларни манзилли қўллаб-қувватлашнинг таъсирчан чора-тадбирларини тасдиқласин, шунингдек, барча мулкчилик шаклидаги экспорт қилувчиларнинг зуога келаётган қийинчиликларини ўз вақтида аниқлаш ва тезкор ҳал қилишни таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган республика худудларидаги қуйидагиларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашни назарда тутувчи **2020 йилга қўшимча инфратузилма лойиҳалари** рўйхатини шакллантирсин:

кичик саноат зоналари инфратузилма объектлари учун – **400** млрд сўм миқдорида;

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари, умумий фойдаланишдаги йўлларни жорий таъмирлаш учун – **1** трлн сўм;

сув таъминоти ва канализация объектлари учун – **500** млрд сўм;

ирригация ва мелиорация объектлари учун – **400** млрд сўм;

соғлиқни сақлаш объектлари учун – **500** млрд сўм; умумтаълим мактаблари ва ижтимоий соҳанинг бошқа объектлари учун – **800** млрд сўм;

иқтисодий фаоллик ва бандликни, шу жумладан, ипотека кредитлаш ҳажмларини оширишни таъминловчи бошқа объектлар учун.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиши ва ўрнатилган талабларга риоя қилиниши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

16. Белгилансинки:

коронавирус инфекцияси билан зарарланиши ёки зарарланган деб гумон қилиниши муносабати билан карантинга жойлаштирилган ота-оналар (улар ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар), шунингдек, уларнинг 14 ёшгача бўлган боласини параварши қилаётган шахсларга **ўртача ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланади;**

коронавирус инфекцияси билан зарарланган ёки карантинга жойлаштирилган, шунингдек, 14 ёшга тўлмаган боланинг ота-онаси (унинг ўрнини босувчи шахслар, васийлар, ҳомийлар) бўлган **ҳодимлар билан меҳнат шартномаларини иш бевручининг ташаббуси билан бекор қилиш тақдирланади.**

17. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа

ва моддий ёрдам олувчилар сонини **2020 йил 1 апрелдан бошлаб 10 фоизга** ошириш чораларини кўрсин;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда тиббиёт, санитария-эпидемиологик ва бошқа ҳодимлар коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш тадбирларига жалб қилинадиган даврда уларнинг ойлик лавозим машинага **6 фоиз миқдорида ҳар кунлик қўшимча тўловлар жорий қилсин;**

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ва ўз фаолиятини тўхтатган мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари, спорт ва маданият муассасалари ҳодимларининг иш ҳақларини ўз вақтида тўлаб берилишини таъминласин;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта мuddатда **аҳолига вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этишнинг соддалаштирилган тизимини** ташкил этиш чораларини кўрсин.

18. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги бир ҳафта мuddатда қуйидагиларни назарда тутувчи тартибни жорий қилсин:

мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларининг фаолияти тўхтатилган даврда мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари ва умумтаълим мактаблари бошланғич синфлари ўқувчиларининг ота-оналарига (улар ўрнини босувчи шахсларга, васийларга, ҳомийларга) йиллик таътилдан фойдаланиш графигидан қатъий назар (шу жумладан, 6 ойдан кам ишлаганларга) йиллик таътил тақдим этилади;

карантинга оид чоралар амал қилиши даврида иш бевручилар ҳодимларини, айниқса ҳамилдор аёллар, кексалар, имконияти чекланган ҳамда сурункали касалликка чалинган шахсларни, уларнинг розилиги билан, масофадан туриб ишлаш усулига, қулай иш графигига ёки уйдан туриб ишлашга ўтказишлари мумкин.

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қуйидаги тақлифларига розилик берилсин:

а) банк ва тўлов тизимларининг узлуксиз ва барқарор фаолиятини таъминлаш чораларини қуйидагилар орқали кўриш:

пул-кредит сиёсати инструментларидан фаол фойдаланиш ҳисобига пул бозорига ҳар ойда умумий суммаси **1 трлн сўмгача** ликвидлик тақдим этиш;

банккоматларнинг етарли миқдордаги нақд пул маблағлари билан узлуксиз таъминланиши, шунингдек, масофавий банк хизматларини ривожлантиришни рағбатлантириш;

б) тижорат банклари томонидан:

туристик операторларга, меҳмонхона бизнеси субъектларига, транспорт-логистика компанияларига ва туризм тармоғининг бошқа корхоналарига, шунингдек, ташқи савдо операцияларига жорий этилган чекловлар туфайли молиявий қийинчиликларга дуч келган ҳўжалик юритувчи субъектларга ажратилган кредитлар бўйича умумий суммаси 5 трлн сўмлик қарздорликларни тўлаш бўйича кечиктиришни (жарима санкцияларини ҳисобламаган ҳолда) **2020 йил 1 октябрга қадар** узайтириш;

хусусий тадбиркорлик корхоналарига тақдим этилган айланма маблағларни тўлдириш учун, шу жумладан, истеъмол бозорини энг зарур товарлар билан тўлдириш учун қайта тикланадиган револьвер кредитлар ажратиш;

**2020 йил 1 июнга қадар** кредит портфелини стресстестдан ўтказиш, шунингдек, муаммолар кредитларининг ортиш хавфи мавжуд бўлган банкларда активлар сифатини баҳолаб бориш натижаларини тақдим этиш.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тадбиркорлик субъектларига кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун кафилик ва компенсациялар тақдим этиш ҳажмларини оширишга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси капиталлашувини **500 млрд сўмга** оширсин.

21. «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки» АЖ:

бир ой муддатда «Uzbekistan airways» АЖнинг 111 млн АҚШ долларига тенг бўлган кредитини қоплаш графигини 2020 йил учун қарздорликлар тўловини тўхтатган ҳолда қайта кўриб чиқсин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари юзуга келганлиги муносабати билан кредитлар ва улар билан боғлиқ тўловларни қайтариш шартларини қайта кўриб чиқиш бўйича «Uzbekistan airways» АЖнинг хорижий кредиторлари билан музокаралар олиб бурсин.

22. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси уч кун муддатда чекловлар амал қиладиган давр учун енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари келиб чиққанлиги ҳақида расмий хабарнома эълон қилсин ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг муружаатлари асосида бир кунлик муддатда тегишли сертификатлар берсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси:

истеъмол товарларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ресурслари ҳажмларини мониторинг қилиш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш учун уларнинг биржага қўйиш ҳажмини ошириш чораларини кўрсин;

ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси томонидан импортга харид қилинадиган ва интервенция амалга ошириладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг рўйхати ва зарур ҳажмларини аниқласин;

ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларининг бозорлардаги нархлари устидан кунлик мониторинг ўтказишни таъминласин ҳамда уларнинг нархларини сунъий ошириш, сунъий танқислик ва ажиотаж талабни вужудга келтиришга йўл қўймаслик устидан қатъий назорат ўрнатсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитаси озиқ-овқат маҳсулотларини шартномалар асосида ёки биржа савдолари орқали эркин нархларда, бозорни тўлдирish ва ички бозорлардаги маҳсулотлар нархларини барқарорлаштириш бўйича тадбирларни амалга ошириш учун етарли ҳажмларда сотишни таъминласин.

25. Инқирозга қарши курашиш республика комиссияси (А.Н.Арипов):

жорий йил 22 мартдан бошлаб икки ой давомида кунлик селектор йиғилишларини ўтказиб, ҳар бир ҳудудда коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш, саноат, инфратузилма, транспорт ва логистика, ижтимоий соҳа объектлари, савдо тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларининг барқарор фаолият юртишини таъминлаш чора-тадбирлари ижросини батафсил муҳоима қилиб борсин ҳамда уларнинг натижаларига кўра юзуга келадиган масала ва муаммолар бўйича тезкор қарорлар қабул қилсин;

ушбу Фармоннинг ижроси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар ҳафта ахборот бериб борсин ҳамда, зарур ҳолларда, инқирозга қарши курашишнинг қўшимча чоралари бўйича таклифлар киритсин.

26. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари:

коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш чораларининг амалга оширилиши, санитария-эпидемиологик ва тиббиёт муассасаларининг узлуксиз фаолиятини таъминлаш устидан шахсий назорат ўрнатсин;

тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг муружаатларини тезкорлик билан кўриб чиқиш, жойларда ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва бандлиқни таъминлаш бўйича қўшимча заҳиралар аниқланишини таъминласин.

27. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ошиб бораётган юкламани ҳисобга олган ҳолда телекоммуникация инфратузилмасининг барқарор фаолиятини таъминлаш чораларини кўрсин ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари муружаатларини қабул қилиш учун «тезкор алоқа линиялари»нинг узлуксиз ишлашини таъминласин.

28. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши курашиш ҳамда унинг иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларини ривожлантиришга салбий таъсирини юмшатиш бўйича қўрилаётган чоралар ҳақида аҳоли ўртасида тизимли равишда ахборот-маърифий ишларни ташкил этсин.

29. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари Ш.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2020 йил 19 март.

## Биометрик паспорт ўрнига ID-карталар берилади

**ИИВ Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини расмийлаштириш ва бериш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (6.03.2020 йилдаги 129-сон) асосланиб, шахсни идентификациялашнинг янги технологиясини жорий этиш тартиб-и юзасидан тушунтириш берди.**

Ўзбекистонда ID-карталарга ўтишга анчадан буён тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. 2018 йилда расмий ҳужжатлар матнларида амалдаги паспорт, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар (ҳайдовчилик гувоҳномаларидан ташқари) тизимига ўзгартириш киритилиши қайд этилган эди (18.04.2018 йилдаги ПҚ-3673-сон қарорнинг 13-банди). Лойиҳани амалга оширишни таъминлаш мақсадида Тошкентда Германиянинг «Veridos GmbH» компанияси билан ҳамкорликда пластик карталарни ишлаб чиқариш заводида қуришга қарор қилинди (ВМнинг 20.05.2019 йилдаги 421-сон қарори 1-бандининг «б» кичик банди).

ВМнинг 129-сон қароридан барча жиҳатлар аниқлаштирил-

моқда. 2021 йил 1 январдан бошлаб барча янги туғилган чақалоқларга, Ўзбекистон фуқаролигига, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахсларга ва мамлакатимизда доимий яшайдиган чет эл фуқаролигига ID-карталари берилади. Ҳужжат эгасининг шахсини ва фуқаролигини тасдиқловчи ушбу ҳужжат 10 йил муддатга берилади. Ҳужжатни расмийлаштирганлик ва берганлик учун БҲМнинг 89%и миқдорда давлат божи ундирилади (мақола берилган санада – 198 470 сўм).

2011 йилдаги намунадаги илгари берилган биометрик паспортларни ва яшаш учун рухсатномаларни алмаштириш уларнинг муддати тугагандан кейин эгаларининг илтимосига биноан ёки муддатидан олдин амалга оширилади. Идорада ID-карталарни бериш тизимли равишда

2021 йил 1 январдан 2030 йил 1 январгача мамлакат аҳолиси учун қўшимча юкламасиз амалга оширилиши таъкидланди (2021–2022 йилларда ихтиёрий, 2023–2029 йилларда – мажбурий тартибда). 2030 йилдан бошлаб 2011 йилдаги намунадаги биометрик паспортлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Яна бир муҳим жиҳати: ID-карталар фақат Ўзбекистон ҳудудида амал қилади, чет элга чиқиш учун Ўзбекистон фуқаросининг чет элга чиқиш учун биометрик (хорижий) паспортини олиш зарур бўлади.

Янги технологияга ўтиш ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда ва фуқароларни рақамли идентификация қилиш тизимини жорий этишни жадаллаштиради, бирламчи маълумотларни вазирлик ва идораларининг ахборот тизимларига интеграциялаш жараёнини автоматлаштиради, аҳолига давлат хизматларини кўрсатиш жараёнини осонлаштиради ва оптималлаштиради, деб таъкидланади хабарда.

ИИВ Матбуот хизмати хабари асосида.



## Хорижликларни касалхонада ҳисобга олиш

**Мен Хўжайли (Қорақалпоғистон) станциясида темир йўл касалхонасининг шифокориман. Бизга кўшни давлатдан (Қозоғистон) даволаниш учун келишганда уларни рўйхатга олиш борасида муаммага дуч келамиз. Эшитишимча, меҳмонхонада уларни меҳмонхона ходимларининг ўзи рўйхатга олишади. Қозоғистонликларни даволаш тиббий хизматларни экспорт қилиш ҳисобла-нишини эътиборга олганда, биз мижозларни меҳмонхонада рўйхатга олган-лари сингари рўйхатга олишимиз мумкинми?**

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни вақтинча прописка қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари томонидан жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасалари маъмурияти томонидан улар келиб жойлашган вақтда, қанча муддат бўлишларидан қатъи назар, ихтисослаштирилган электрон автоматлаштирилган дастури ёрдамида хабардор қилган ҳолда амалга оширилади.

Жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларининг масъул шахслари томонидан жойлашган шахсларнинг ҳисоби юритилади. Жойлаштириш воситалари ва даволаш муассасаларининг масъул шахслари яшовчилар жойлаштирилган пайтда ҳудудий ички ишлар органларини жойлашган ва пропискадан ўтишлари керак бўлган шахслар тўғрисида Дастур ёрдамида хабардор қилишлари шарт (Низомнинг 35-б., ВМнинг 22.10.2018 йилдаги 845-сон қарорига 2-илова).

Жойлаштириш воситаларида ва даволаш муассасаларида куйидагилар ҳисобга олина-ши керак:

а) Ўзбекистон Республикасига хизмат, савдо ёки жамоат ишлари билан, даволаниш ёки дам олиш учун, туристлар сифатида, алоҳида ҳолларда эса ички ишлар органларининг рухсати билан фуқароларнинг таклифига мувофиқ келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

б) Ўзбекистонга шахсий ишлар билан келган миллий паспортларнинг (дипломатик ёки хизмат паспортларининг) эгалари, хорижий мамлакатлар ташқи ишлар идораларининг хизматчилари ҳамда уларнинг оила аъзолари.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг амалда ҳисобга олинганлигини текшириш ички ишлар органлари томонидан ихтисослаштирилган электрон автоматлашти-

рилган дастур ёрдамида амалга оширилади (Низомнинг 37-б.).

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни ҳисобга олиш вақтинча прописка қилишга тенглаштирилади ва жойлаштириш воситалари ҳамда даволаш муассасалари маъмурияти томонидан қонунда белгилаб қўйилган тартибда, Дастур ёрдамида амалга оширилади (Низомнинг 38-б.).

## Қарор устидан судда низолашса бўлади

**2009 йилда савдо қоидаларини бузганим (мижозга касса аппарати чекини бермаганим) учун маъмурий жавобгарликка тортилган эдим. Амнистияга тушдим ва ишни тўхтатишди. «Хорижий паспорт» олмақчи эдим, лекин менга рад жавобини беришди. Нима қилсам бўлади?**

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартиби тўғрисидаги низомнинг (26.12.2018 йилдаги ПҚ-4079-сон қарорга 1-илова) 39-бандида назарда тутилган асосларда хорижга чиқиш учун биометрик паспортни бериш ҳуқуқини рад этиш, муурожаатни белги-ланган муддатдан ортиқ вақт давомида кўриб чиқиш фуқаро томонидан бўйсунмиш тартибда юқори органга шикоят қилиниши, агар унинг қарорига рози бўлинмаса – бевоқиф судга шикоят қилиниши мумкин (Низомнинг 40-банди).

Санжар Хўжааҳмедов,  
«Norma» МЧЖ эксперти.



РЕКЛАМА

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

www.norma.uz

## Ишга қабул қилиш рад этилди!



Компания (Ўзбекистон резиденти) бўш лавозимга талабгорга иш тўғрисида расмийлаштирилган ва раҳбар томонидан имзоланган таклифни (Job offer) жўнатди, талабгор суҳбатдан ҳам ўтган. Таклифда компания ва иш жойи, лавозими, шартнома тури, ходим ишга киришадиган вақт, унинг маоши ва таклифнинг амал қилиш муддати кўрсатилган. Ишга талабгор таклифни қабул қилгани тўғрисида жавоб хати ёзди ҳамда ишга жойлашишни расмийлаштириш учун ҳужжатларини тақдим этди. Лекин кейинчалик компания сабабларини тушунтирмаган ҳолда, мазкур бўш иш ўрнига бошқа ходимни қабул қилишни мўлжаллаётганини айтиб, уни ишга қабул қилишни рад этди (иш тўғрисидаги таклифнинг амал қилиш муддати тугамаган).

Иш тўғрисидаги таклиф юридик жиҳатдан аҳамиятга эгами? Иш берувчининг сабабларини кўрсатмаган ҳолда талабгорни кейинчалик ишга қабул қилишни рад этиш борасидаги хатти-ҳаракатлари қонунийми?

- Агар иш тўғрисидаги таклиф лозим даражада расмийлаштирилган бўлса, иш берувчининг ишга қабул қилишни рад этиш бўйича ҳаракатлари қонуний эмас. «Job offer», яъни «ишга таклиф» тушунчаси ғарб мамлакатларида кенг тарқалган ва қўлланадиган келинади. Ўзбекистонда эса ишга жойлашишнинг бундай усулидан деярли фойдаланилмайди ва қонун жиҳатдан яхши тартибга солинмаган. Саволдан англашиладики, лозим

даражада расмийлаштирилган бўш иш ўрнига номзодга юборилган иш тўғрисидаги таклифни расмий таклиф сифатида қабул қилса бўлади. Шу сабабли муайян мутахассислик бўйича ишни бажариш учун иш берувчи томонидан ишга таклиф этилган шахсга рад жавобини бериш **ғайриқонуний ҳисобланиши мумкин** (МК 78-м. 2-қ. 3-хатбоши).

Ишга қабул қилиш рад этилган тақдирда, номзоднинг талаби билан иш берувчи рад этишнинг сабабини асослаб 3 кун муддат ичида ёзма жавоб бериши шарт, бу жавоб ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан имзоланган бўлиши лозим (МК 78-м. 3-қ.).

Расмий тарзда ишга таклиф қилинган номзод ишга қабул қилиш ғайриқонуний равишда рад этилганлиги устидан суд тартибда шикоят қилиши мумкин, судда бундай рад этишнинг яқини қонунга мувофиқлиги белгиланади.

Ишга қабул қилишни ғайриқонуний рад этганлик учун суд иш берувчини қуйдагиларга мажбур этиши мумкин:

➢ киши билан меҳнат шартномасини тузишга (ФПК 259-м.);

➢ шахсга етказилган ҳақиқий зарарни (меҳнат қилишга бўлган ҳуқуқи бузилганлигини тиклаш учун судга мурожаат қилиш бўйича харажатлари ва бошқалар), шунингдек бой берилган фойдани (шахс меҳнат шартномаси шартларига кўра олиши мумкин бўлган иш ҳақи суммаси ва бошқа даромадлари) қоплайди (МК 188-м.; ФК 14-м.);

➢ етказилган маънавий зарарни компенсация қилиш (ФК 1021, 1022-моддалари).

Ишга қабул қилишни ғайриқонуний рад этганликда айбдор бўлган мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка, айрим ҳолларда эса – жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин (МЖТК 49-м.; ЖК 148-м. 2-қ.).

## Сиртдан ўқийдиганлар учун таътил

Олий ўқув юртлирида сиртдан ўқийдиган ходимлар йилда 2 марта 60 календарь кунгача сессияда қатнашиш учун ўқув юртлирининг маълумотнома-чақирувларини тақдим этадилар.

Ходимларга сессияда қатнашиш учун қонунчиликка биноан ўртача иш ҳақини сақлаган ҳолда йилда қанча кун қўшимча (ўқув) таътиллари берилиши мумкин? Ўқув йили сентябрдан майгача ҳисобланадими?

- Олий ўқув юртлирида сиртдан таълим олаётган ходимларга лаборатория-имтиҳон сессиясида қатнашиш даврида куйидаги тартибда (ФК 256-м.):

➢ биринчи ва иккинчи курсда таълим олаётганларга – ҳар йили **камида 30 календарь кун**;

➢ учинчи ва ундан кейинги курсда таълим олаётганларга – ҳар йили **камида 40 календарь кун**;

➢ битирув имтиҳонларини топшириш даврида - **камида 30 календарь кун**;

➢ диплом лойиҳасини (ишини) тайёрлаш ва ёқлаш даврида – 4 ой муддат билан ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча таътиллари берилади.

Охириги курсларда ўқиётган ходимларга диплом лойиҳасига материаллар тўплаш учун 30 календарь кун муддат билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилади. Мазкур таътил даврида талаба-

лар ва ўқувчиларга умумий асосларда стипендия тайинланади.

Этибор беринг, қонун ҳужжатларида таълим муносабати билан бериладиган таътиллarning энг кам муддати ўрнатилган (бундан диплом лойиҳасини тайёрлаш ва ёқлаш даврида иш ҳақи сақланган ва ҳамда диплом лойиҳасига материаллар тўплаш учун иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътиллари мустасно). Шунинг учун ўқув юртлирининг маълумотнома-чақирувлари билан тасдиқланадиган давомийлиги ушбу муддатдан (саволдаги 60 календарь кундан) ошадиган таътиллари қонуний асосларда бериш лозим.

Таълим муносабати билан бериладиган таътиллари муддатини ҳисоблаш учун қайси давр – ўқув йилими ёки календарь йили олиними қонун ҳужжатларида белгиланмаган. Лекин бундай таътиллarning муддати таълим курсидан келиб чиққанлиги муносабати билан уларни расмийлаштиришда айнан ўқув йилига таяниш лозим деб ўйлаймиз.

Масалан, 2019/2020 ўқув йили 2019 йилнинг сентябридан бошланади ва 2020 йилнинг июнида тугайди.

Иш берувчи ўқув таътилин беришни рад этиш ёки уни пул компенсацияси билан алмаштириш ҳуқуқига эга эмас, чунки ушбу турдаги таътил дам олиш вақтига тенглаштирилмайди, балки таълим олиш имкониятини таъминловчи кафолат ҳисобланади.

Мазкур турдаги таътил ходимнинг аризасига ёки

ўқув юртининг маълумотнома-чақируви асосида иш берувчининг буйруғини расмийлаштирган ҳолда тақдим этилади. Маълумотнома-чақирувда таътилниги сабаби ва у расмийлаштирилиши керак бўлган муддат кўрсатилади. Бунда муддат ўқиш жойига бориш вақтини ҳисобга олманган ҳолда фақат ўқув даврини (сиртдан ўқишда, қоида тариқасида, ўқув жараёни байрам ва дам олиш кунларида ҳам ташкиллаштирилади) ўз ичига олади. Маълумотнома-чақирувнинг таркибий қисми бўлиб маълумотнома-тасдиқнома ҳисобланади. Бу ҳужжат таътилда асосли бўлганлиги далили сифатида ўқув таътили тугагандан кейин берилади. Сессия тугагандан кейин талаба-ходим маълумотнома-тасдиқномани тақдим этмаса, у келгуси ўқув таътилин олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади (МК 249-моддасининг маъносидан келиб чиқилганда).

Ўқув таътили муддатининг давомийлиги ходим ёки иш берувчининг хоҳишидан келиб чиқмайди. Агар ходим ўқув вазифаларини муддатидан олдин бажарса ва таътил муддати қисқартирилишини истаса, у маълумотнома-тасдиқномага тегишли ўзгартиришлар киритишни сўраб деканатга ёки ўқув юртининг бўлимига мурожаат қилади. Маълумотнома-тасдиқнома асосида оралик аттестациядан муддатидан олдин ўтганлиги ва ходимнинг ишга чиқиши муносабати билан ўқув таътили тугатилиши тўғрисидаги буйруқ чиқарилади (маълумотнома-тасдиқнома буйруққа илова қилинади).

Валерия Ляндрес, кадрлар хизмати ходими.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

**НОРМА МАСЛАХАТЧИ**

ХУҚУҚ  
СОЛИКЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Норма» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир  
Фарҳод Собирович  
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –  
бош муҳаррир  
ўринбосари,  
масъул котиб  
Нодир Носирович  
АЛИМОВ

Саҳифаловчи  
Наталья  
БАРАНОВА

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1,  
Тахририят тел. (71) 200-00-90  
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30  
E-mail: sbx@norma.uz,  
gazeta@norma.uz,  
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,  
газеталарнинг электрон версияларини  
етказиб бериш ва харид қилиш масалалари  
бўйича (71) 200-00-30;  
«Норма» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;  
Рекламани жойлаштириш бўйича  
(71) 231-07-91 телефон рақамларига  
муурожаат қилиш мумкин.

Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида тегилиди ва саҳифаланди.  
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўғоғ бичими – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ. Баҳори келишган нархда.  
Буортма г-322. Адади 710. Газета 2020 йил 23 март соат 18.00 да топширилди.